



**Маърифат муаммоли
вазиятга доим тўғри
ечим бўлган**

4-с.

**Ризқи анор донасидек кўп,
рўзғор унинг ҳидидек файзли**

5-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

**№37
(2365)**

**2026 йил
6 МАЙ,
ЧОРШАНБА**

Маҳалла

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

УЮШМА КУНДАЛИГИ

**МАҲАЛЛА
ЁШЛАРИ БИЛАН
ИШЛАШДА УСТУВОР
ВАЗИФАЛАР
БЕЛГИЛАНДИ**




Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси, Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси раиси Қажрамон Қуронбоев раислигида Республика номиссияси йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда “Янги Ўзбекистон бунёдкорлари” касбий маҳорат миллий танловини юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш масаласи кўриб чиқилди. Бу борада амалга оширилаётган ишлар юзасидан ахборот берилиб, танловни самарали ташкил этиш бўйича тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Давоми 2-саҳифада.

“МАҲАЛЛА ЛИГАСИ”

**МАНСАБ ОРТИДАГИ
МАНФААТ УЙИНИ**



Маҳалла раиси ва унинг атрофидаги ходимлар оддий мансабдор эмас — улар аҳоли учун намуна, ишонч тимсоли. Аммо сўнгги ҳолатлар шуни кўрсатмоқдаки, айрим жойларда бу ишонч моддий манфаатлар эвазига сотилаётгани ачинарлидир...

Анджон туманида кузатиш ҳолат бунга яққол мисол. Маҳалла раиси ва ҳоким ёрдамчиси ўзаро тил бириктириб, бир фуқарога чорвачилик мақсадида мазкур маҳалла худудидан ажратиб берилган ер майдонининг 2 сотихини ҳамда давлат захирасида бўлган 28 сотих ерни Анджон шаҳрида яшовчи бошқа бир шахс номига расмийлаштириб беришни режа қилган. Улар ер учун 57 минг доллар ва ҳужжатларни расмийлаштириш учун 3 минг доллар талаб қилган...



ЭКОЛОГИЯ

ТАШАББУС

ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТ, АВВАЛО, МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

Республикамиз бўйлаб жорий йилнинг март-апрель ойлари давомида “Маҳаллани чқиндидан холи худудга айлантира-миз!” шиори остида кенг кўламли эко-ҳашарлар ташкил этилди.

Маҳалла ижтимоий тарбия ва маънавий муҳит марказидир. Инсоннинг тозалikka муносабати, чиқиндига қараш, атроф-муҳитга эҳтиёткорлиги айнан шу муҳитда қарор топади. Шу боис “Экологик маданият маҳаллада шаклланади” деган гоя курак шир эмас, балки ҳаётий ҳақиқатдир. Тартиб-интизом, жамоавий масъулият ва ўзаро назорат устувор бўлган маҳаллада экологик муаммоларга ўрин қолмайди.

Давоми 2-саҳифада.

Аслида, халқимизда тозалик ва ҳам-жихатлик маданияти асрлар давомида шакланган. Ҳовлиларни супуриш, ариқ-зовурларни тозалаш, кўчаларни обод қилиш каби ишлар ҳашар йўли билан амалга оширилган. Бу анъана фақат меҳнат эмас, ижтимоий масъулият мактаби вазифасини ҳам бажарган. Ҳар бир инсон ўз ҳовлиси билан чекланиб қолмай, бутун маҳалла ободлиги учун ўзини жавобгар, деб билган. Демак, бугунги экологик маданиятнинг илдизлари айнан шу миллий қадриятларда мужжасам.

**“Болалар
ҳаракати”:
лидерлик,
рақамлашув ва
янги лойиҳалар
муҳокамаси**

Ўзбекистон болалар ташкилоти фаолиятини янги bosқичга олиб чиқиш, болаларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Болалар ҳаракати” Республика сардорларининг 1-маслаҳат учрашуви ўтказилди.



Мулоқотда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қажрамон Қуронбоев, Ёшлар ишлари агентлиги директори Алишер Садуллаев ҳамда ма-сьюл раҳбарлар иштирок этди.

Давоми 2-саҳифада.

**Мувозанат, бу —
назорат ва
масъулият
уйғунлиги
ифодаси**

7-саҳифа



“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

**НАМУНАЛИ МАҲАЛЛА — ТАСОДИФМИ?
Йўқ, бу аниқ тизим ва манзилли
ишлаш самараси!**

**“Муаммолар
бир-биридан
фарқ қилади,
лекин кечинмалар
жуда ўхшаш”**



6-саҳифа

Раис бўлиб фаолият бошлаганимизда, энг аввало, “ҳаммаси яхши” деган ёлғон тасаввурдан воз кечдик. Ҳолат-ни ҳиссиёт билан эмас, аниқ рақамлар билан баҳолашга ўтдик. Маҳаллада қанча ишсиз бор, неч-та оила ижтимоий хавф гуруҳига қиради, йил давомида қанча ажралиш қайд этилган, майда ҳуқуқбузарликлар сони нечта — барчаси тўлиқ ўрганилди. Шу маълумотлар бизнинг бошланғич нуқтамизга айланди.

Кейинги bosқичда “идорадан туриб бошқариш” амалиётидан воз кечдик. Ҳар бир хонадонни чуқур ўрганишга киришдик. Кўча кесимида аниқ “ижтимоий портрет” шакллантирилди: ким ишлайди, ким ишсиз, ким чет элда, қайси оилада ижтимоий муаммо бор, қайси ёш алоҳида эътибор талаб қилади. Шу орқали умумий ёндашувдан воз кечиб, манзилли ишлаш тизими йўлга қўйилди.



Амалиёт шуни кўрсатдики, тартиб ва барқарорликка эришишда ҳал қилувчи омил — бандлик масаласидир. Чунки ҳуқуқбузарлик ва ижтимоий таназзулнинг илдизи кўп ҳолларда ишсизликка бориб тақалади. Шу боис бандликни таъминлашда “бир марталик ёрдам” эмас, барқарор даромад манбалари яратишга уруғ бердик. Масалан, бир йиғитни ҳайдовчиликка жойлаштириш билан чекланмадик — унга доимий иш жойи, лицензия, буюртма манбаи билан боғлашга ҳаракат қилдик.

Давоми 2-саҳифада.



ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЙЁВ Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгаши 59-йиллик йиғилишида иштирок этди ва нутқ сўзлади.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “ФАХРИЙЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси бир ўқишда қабул қилинди.



Ўзбекистон Осиё тараққиёт банкининг “ОСИЁ УЧУН РАҚАМЛИ МАГИСТРАЛ” ташаббусига кўшилади.

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

НАМУНАЛИ МАҲАЛЛА — ТАСОДИФМИ? Йўқ, бу аниқ тизим ва манзилли ишлаш самараси!



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Маннобжон АҲМЕДОВ, Миробод туманидаги “Лолазор” маҳалласи раиси.

Хулоса ўрнида шунни айтаман: намунали маҳалланинг “сири”, аслида, жуда оддий. Одамни билиш, муаммони яширмаслик, бандликни таъминлаш, оилага эътибор қаратиш ва жамоани бирлаштириш — ана шу беш тамойил ҳар қандай ҳудудни ўзгартиради. Энг муҳими, “еттилик” идорада эмас, одамлар орасида бўлиши керак. Агар шу ёндашув изчил амалга оширилса, ҳар қандай маҳалла намунали ҳудудга айланиши шубҳасиз.

Оила масаласига алоҳида эътибор қаратдик. Ажралишларнинг олдини олишда расмий йиғилишлардан кўра юзма-юз мулоқот самарали эканини кўрдик. Бир ҳолатда ажралиш ёқасига келган оила билан бир неча бор суҳбат ўтказдик. Фақат эр-хотин эмас, уларнинг ақинлари ҳам жалб қилинди. Муаммо молиявий эмас, ўзаро тушунмовчилик экани маълум бўлди. Бугун улар оиласини сақлаб қолган, фарзандларини тарбиялаётган тинч хонадонга айланган. Шундан кейин биз муҳим хулоса чиқардик: муаммога сўнги босқичда эмас, унинг бошида аралашуш керак.

Жиноятчиликка қарши курашда асосий эътибор жазога эмас, профилактикага қаратилди. Энг муҳим ўзгариш — жамоатчилик бефарқлигини йўқотиш бўлди. Ҳар бир кўчада фаол фуқаролар гуруҳи шакллантирилди. Ёшлар билан мунтазам спорт, тарбиявий ва маданий тадбирлар йўлга қўйилди. Профилактика инспектори билан ҳамкорлик амалда кучайтирилиб, ахборот алмашинуви тезкорлаштирилди. Натижада жиноятчиликни “содир бўлгандан кейин эмас, олдиндан олдини олиш” тизими шаклланди.

Маҳаллада ижобий муҳит яратиш ҳам алоҳида вазифа сифатида қаралди. Чунки фақат муаммоларни ҳал қилиш билан барқарорликка

эришиб бўлмайдди. Ҳашарлар, байрамлар, спорт мусобақалари, китобхонлик ва маънавий тадбирлар мунтазам ўтказилди. Фаол ёшлар ва намуна кўрсатаётган оилалар рағбатлантирилди. Бу эса одамларда “маҳалла — менинг уйим” деган дахлдорлик туйғусини қучайтирди.

Эришилган натижалар рақамларда ҳам ўз аксини топди: уч йил давомида ишсизлик кескин камайди, ажралиш ҳолатлари деярли барҳам топди, ҳуқуқбузарликлар сони қисқарди, ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалар сони минимал даражага тушди. Бу — қуруқ гап эмас, амалий иш самараси.

ҲОЛАТ

Мансаб ортидаги манфаат ўйини

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Чирчиқ шаҳрида профилактика инспекторининг жиноятни “ёпиб бериш” эвазига 2 700 доллар пора олиши қонун устуворлигига соя солади. Яшнобод туманида эса ҳоким ёрдамчисининг тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун зарур бўлган рухсатларни пулга боғлаш давлат хизматининг асл моҳиятини инкор этади. Бу ҳолатлар бир нарсани очиқ кўрсатмоқда: айрим мансабдорлар ўз ваколатини масъулият деб эмас, имконият деб тушуномқода...

Аслида, маҳалла тизими мутлақо бошқача маъно касб этиши керак. У — аҳолининг дардини тинглайдиган, муаммосини енгиллаштирадиган, адолатни таъминлайдиган ижтимоий институт. Маҳалла раиси, энг аввало, ҳалоллик, виждон ва масъулият тимсоли бўлиши шарт. Чунки одамлар унга ишонади, ундан адолат кутади. Агар шу ишончга путур етса, бу фақат бир тузилманинг эмас, бутун жамиятнинг маънавий устунига зарба бўлади.

Пора олиш, бу — фақат жиноят эмас, бу — уят. Аиниқса, халқ билан бевосита ишлайдиган, одамларнинг дардини тинглайдиган шахслар учун бу икки қарра уятдир. Чунки улар нафақат қонунни, балки инсоний қадриятларни ҳам поймол қилади. Энг ташвишлиси, агар бундай ҳолатларга кескин баҳо берилмаса, жамиятда “пул бўлса — муаммо йўқ”, деган хато ва хавfli қараш шаклланади. Бу эса ислохотлар моҳиятига зид. Шунинг учун масалага фақат ҳуқуқий эмас, маънавий нуқтаи назардан ҳам ёндашиш зарур. Жавобгарлик муқаррар бўлиши шарт. Ҳар бир ҳолат очиқ-ошкора кўриб чиқилиб, айбдорлар жазосини олиши керак.



УЮШМА КУНДАЛИГИ

МАҲАЛЛА ЁШЛАРИ БИЛАН ИШЛАШДА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Йиғилишда, шунингдек, “Рақамли маҳалла” онлайн платформасидаги “Миграция баланси” модулини жорий этиш ва тақомиллаштириш натижалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси жорий этган ушбу модуль орқали ҳудудларда миграция жараёнларини аниқ таҳлил қилиш ва самарали бошқариш имкониятлари кенгайтирилди.



Кун тартибидидаги яна бир масала “Work & Travel” дастури доирасида талабаларни хоризгга юбориш жараёнларини тартибга солиш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш тизимларини тақомиллаштириш масаласи бўлди. Ушбу йўналишда олиб борилётган ишлар юзасидан маълумот берилиб, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича тақлифлар билдирилди.

Йиғилиш якунида кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, масъул ташкилотларга аниқ топшириқлар берилди.

ЭКОЛОГИЯ

ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТ, АВВАЛО, МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Жамшид НАЗАРБОВЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси бош мутахассиси.

резидентимизнинг “2030 йилгача бўлган даврда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, ҳар ойда “Маҳаллани чиқиндидан холи ҳудудга айлантираемиз!” шиори остида мунтазам акция ва тарғибот тадбирларини ўтказиш белгилангани тизимли ёндашувнинг ёрқин ифодасидир.

Қарор ижроси доирасида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳамда Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси уртасида қўшма чора-тадбирлар дастури тасдиқланиб, маҳаллаларда тизимли тарғибот тадбирлари ташкил этиляпти.

Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 7 137 мартаба “Маҳаллани чиқиндидан холи ҳудудга айлантираемиз!” шиори остида эко-акциялар ўтказилди. 5 462 та экологик маданиятни юксалтириш, экологияга оид қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини етказишга оид тарғибот тадбирлари ташкил этилди.

Қолаверса, 2026 йил баҳор мавсумида республикадаги 8 992 та маҳаллада 17 миллион туپ дарахт кўчалари экилди. Маҳалланинг ички кўчаларига экилган дарахт кўчаларини парваришлаш ва ўз вақтида сугориб борилишига “маҳалла еттилиги” шахсан масъул этиб бириктирилди. “Янги Ўзбекистон қиёфаси”даги 33 та туман ва шаҳардаги 330 та “огир” маҳаллада “Маҳалла боғлари” барпо этиляпти.

Энг муҳими, мазкур сая-ҳаракатлар бир марталик акция доирасида чекланиб қолмаслиги лозим. Чунки экологик маданият — узлуксиз, тизимли ва изчил тарбия жараёни. Шу боис:

Биринчидан, экологик маданият болаликдан шаклланади. Мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигида тозаллик одат, табиатга эҳтиром ва шахсий масъулият туйғуси синдирилиши шарт;

Иккинчидан, маҳалла институтининг фаол иштирокини кучайтириш зарур. “Маҳалла еттилиги” доимий экологик назорат ва ташаббус марказига айланиши керак;

Учинчидан, амалий иштирокни кенгайтириш муҳим. Эко-ҳашарлар, кўчат экиш акциялари, ҳудудларни ободонлаштириш тадбирлари орқали аҳоли, айниқса, ёшлар, кузатувчи эмас, балки жараённинг бевосита иштирокчисига айланади;

Тўртинчидан, инфратузилмани тақомиллаштириш долзарб. Чиқиндиларни саралаш, йиғиш ва олиб чиқиш бўйича қўлай ва

самарали тизим ҳар бир маҳаллада йўлга қўйилмаса, тарғиботнинг ўзи қутилган натижани бермайди;

Бешинчидан, ижтимоий назорат ва рағбат тизимини жорий этиш зарур. Намунали тозалликни таъминлаётган маҳаллаларни рағбатлантириш, қоидаларга беларво муносабатда бўлганларга нисбатан таъсирчан чоралар кўриш тизимни мустақкамлайди.

Хулоса қилиб айтганда, экологик маданият — шунчаки тозаллик эмас, балки жамият онги, фуқаролик позицияси ва келажаққа бўлган масъулият ифодасидир. Унинг энг мустаҳкам пойдевори эса маҳалладир. Агар маҳаллада тартиб, назорат ва жамоавий масъулият устувор бўлса, бу бутун жамиятда экологик барқарорликни таъминлайди.



Юқоридаги ҳолатлар тасодифий эмас, балки айрим ўринларда жиддий бўшлиқлар борлигидан далолат беради. Демак, энг аввало, барча жараёнларда мутлақ шаффоқлик таъминланиши шарт. Ер ажратиш, рухсат бериш, ҳужжатларни расмийлаштириш каби масалалар инсон хоҳишига боғлиқ бўлиб қолмаслиги керак — улар очиқ, тушунарли ва рақамли платформалар орқали амалга оширилмаса, “инсоний омил” нибоби остидаги суиистеъмоллар барҳам топмайди.

Иккинчидан, жамоатчилик назорати амалий кучга эга бўлиши лозим. Маҳалла — фақат мансабдорлар бошқарадиган тузилма эмас, балки аҳолининг ўзи иштирок этадиган ва талаб қила оладиган тизим бўлиши шарт. Аҳоли томошабин эмас, фаол иштирокчига айланмагунча, масъулият бир томонлама бўлиб қолавереди.

Учинчидан, мансабдор шахсларни танлаш ва баҳолашда фақат касбий кўникмалар эмас, балки уларнинг маънавий қиёфаси халқ қилувчи мезонга айланиши керак. Чунки ҳалоллик бўлмаган жойда ҳар қандай билим ва тажриба ўз қимматини йўқотди. Обру — қоғозда эмас, амалий фаолиятда исботланадиган мезон. Шунинг учун лавозимга муносиблик, аввало, инсоннинг виждони ва ҳаётий тамойилларида намоён бўлиши шарт.

Маҳалла, бу — ишонч макони! Агар у ерда ишонч пулга алмашса, жамиятнинг энг муҳим устун эмирилади. Шу боис, маҳалла раиси ва ҳар бир ҳодим ўз вазифасини нафақат иш, балки виждоний бурч сифатида қабул қилиши шарт. Акс ҳолда, улар нафақат қонун олдида, балки халқ ишончи олдида ҳам жавоб беришга мажбур бўлади. Эеро, ишонччи йўқотиш — энг катта йўқотишдир. Уни тиклаш эса ҳар қандай жазодан кўра қийин.



Ўзбекистон фуқароларига АҚШнинг “Н-2А” МАВСУМИЙ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ БАНДЛИГИ ДАСТУРИда иштирок этишга рухсат берилди.



Марказий банк: муомаладаги энг кўп банкнот 100 МИНГ СУМЛИК бўлиб, умумий нақд пулларнинг 36,2 фоизини ташкил этади.



Ўзбекистонда жорий йилда 4,3 миллиард кВт.соат электр ва 2,8 миллиард метр куб газни ТЕЖАШ МАҚСАД ҚИЛИНДИ.

2026 йил
6 МАЙ,
ЧОРШАНБА

Mahalla №37

3

ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!

БИЗ — ТАДБИРКОР ОИЛАМИЗ!

Яқин-яқингача айрим одамларнинг боқиманда бўлиб бораётганлиги ҳақидаги гаплар тез-тез қулоққа чалиниб турарди. Улар қўлини совуқ сувга теккизмасдан ёки остона ҳатлаб кўчага чиқмасдан туриб, бирор эҳтиёжи, кам-кўсти бўлса, барчасини давлат, маҳалла қилиб бериши керак, деб ҳисобларди.

“ЎЗГАРИШЛАРНИ ҲАР БИР ИНСОН ЎЗ ТАҚДИРИДА СЕЗЯПТИ”

Қобилжон ЁҚУБЖОНОВ,
Янги Наманган туманидаги
“Бунёдкор” маҳалласи ҳоким
ёрдамчиси.

Вақтлар вақтлар, хонадонда катта даромад манбаи — яъни, камиди 5-6 сотих томорқа ери бўш ётарди. Уларга тўғри маслаҳат, зарур ёрдам, молиявий кўмак берилиши сабабли томорқага муносабат тубдан ўзгарди.

“Ер — хазина, калити — меҳнат”, деган нақлнинг исботини тажрибали томорқачиларимиз ўз фаолиятида кўрапти. Энг муҳими, шу каби ташаббускор инсонлар сабабли оилалар даромади ортапти.

Деярли ҳар бир хонадон ўз имкониятидан келиб чиқиб, иссиқхона қурган, чорва ва парранда боқяпти. Жумладан, Тохиржон Абдувалиев томорқасида помидор, қарам ва бўлғор қалампир каби турли сабзавотларни етиштириб, оиласи учун ҳам, бозор учун ҳам маҳсулот тайёрляпти.

Бу каби ташаббускорлар сафида аёллар борлиги янада қувончли. Мавлуда Зарипова ҳам 8 сотихли томорқасида бодринг ва картошка парваришлаб, қўшимча даромад олишга эришяпти. Бу эса томорқадан оқилона фойдаланиш орқали оилалар фаровонлигини ошириш мумкинлигини кўрсатяпти.



ИШ БИЛГАНГА БАЛЛИ!


Шира — ўзи майда, лекин зарари катта ҳашарот

Меваги боғларда юқори ҳосил олишнинг энг муҳим шартларидан бири — дарахтларни зараркунанда ва касалликлардан ўз вақтида ҳимоя қилишдир. Юртимиз боғларида олма, нок ва беҳи каби дарахтларга кўпинча ширалар, қон бити, қалқондорлар, мевахўрлар, ўргимчаккана жиддий зарар етказишади.

Шодмон НАМОЗОВ,
Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази директори.

Бу зараркунандаларга қарши самарали курашиш учун уларнинг ривожланиш даврини билиш жуда муҳим. Чунки кураш чоралари зараркунанданинг энг заиф даврида ўтказилса, натижа анча яхши бўлади.

Шира тушган олма, нок, шафтоли, ўрик, олхўри ва бодом каби дарахтларда барглари бужмайиб қолади, айрим ҳолларда эса тўкилиб кетади. Айниқса, ёш кўчатлар зарар кўради.



Шира майда ҳашарот бўлса ҳам, боғ учун катта хавф туғдиради. Уни эрта аниқлаш, фойдали ҳашаротларни асраш ва зарур ҳолатда ўз вақтида кимёвий ишлов бериш орқали меваги дарахтларни ҳимоя қилиш мумкин.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

ЮТУҚЛАРИМИЗ ОМИЛИ — МУАММОЛАРНИ МАНЗИЛЛИ ЎРГАНАНИМИЗДАН



Авваллари маҳаллада иш олиб бориш анча мушкул эди. Маблағ ҳам, имконият ҳам чекланган бўларди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “маҳаллабай” ишлаш тизими жорий этилган, маҳалла ҳақиқий таянч нуқтага айланди. Бугун ишлаган, изланган, ташаббус кўрсатган “еттилик” еча олмайдиган муаммо йўқ.

Зарифа ҚАРИМОВА,
Шароф Рашидов туманидаги
“Яхтанлик” маҳалласи раиси.

Айниқса, камбағаллик ва ишсизликни қисқартиришда янги йўналишлар жорий этилди. Жумладан, ихтисослашув орқали аҳоли даромади ошириляпти. Маҳалламизнинг “ўсиш нуқта”си — чорвачилик. Лекин кейинги йилларда худуд иқтисодини ривожлантиришда мебелчилик соҳасидан самарали фойдаланяптимиз. Рақамларга эътибор қаратсак, икки йил аввал атиги 20 та янги мебель ишлаб чиқариш корхонаси ишга тушганди. Ҳозир бу рақам 120 тага етди. Бундан ташқари, жорий йилда яна 25 та янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Шунингдек, мазкур ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида 180 нафар янги иш ўринлари яратилди.

Алоҳида қайд этиш керакки, инфратузилма яхшиланиши тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳити ривожига туртки бўляпти. Жумладан, ўтган йили маҳалламизда “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезони асосида амалий ишлар қилинди. Ичимлик сув, табиий газ, электр тармоғи тортилди. Бу билан мебель ишлаб чиқариш, тикувчилик, кўзиқорин етиштириш, иссиқхона, чорвачилик ва хизмат кўрсатиш йўналишлари янада кенгайди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Наргиза КАМОЛОВА,
Норин тумани:

— Одатда болани парваришлаш оналар зиммасидаги вазифа. Шу вақт мобайнида ходимнинг ўрнига бошқа мутахассисни ишга қабул қилиш мумкинми? Болани парваришлаш таътилида иш жойи сақланадими?

БОЛАНИ ПАРВАРИШЛАШ ТАЪТИЛИДА ИШ ЖОЙИ САҚЛАНАДИМИ?



Лазиз ҚАРШИЕВ,
Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ходими:

— Меҳнат кодексига кўра, ҳомиладорлик ва туғиш таътили туғилгандан кейин, аёл ходимнинг хоҳишига кўра, боласи 2 ёшга тўлгунча қадар болани парваришлаш таътили берилиб, ушбу давр учун белгиланадиган тартибда нафақа тўланади.

Шунингдек, ўзининг истаги асосида боласи 3 ёшга тўлгунча қадар уни парваришлаш учун иш ҳақи сақланмаган ҳолда қўшимча таътил ҳам берилади.

Бу даврда ходимнинг иш жойи (лавозими) сақланади. Мана шу таътилларнинг кўпи билан 6 йил меҳнат стажига қўшилади. Қолаверса, мутахассислиги бўйича иш стажига ҳам қўшиб ҳисобланади.


Заифлашган дарахтларга кейинчалик иккиламчи зараркунандалар, жумладан, пўстлоқ ости кўнғизлари тушиши мумкин. Бу эса уларнинг қуриб қолишига сабаб бўлади.

Баҳор охирида шираларнинг кўп тури меваги дарахтлардан бошқа ўсимликлар ёки сабзавотларга ўтади. Шунинг учун боғ ва атрофдаги экинларни доимий кузатиб бориш керак.

Агар боғда шира миқдори кўпайиб кетса, кимёвий кураш чоралари қўлланади. Бу жараёнда меъёр, ишлов бериш вақти ва хавфсизлик қоидаларига қатъий амал қилиш лозим.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.



Ўзбекистонда 086-шаклдаги тиббий маълумотномани **ОНЛАЙН ЮКЛАБ ОЛИШ ХИЗМАТИ** ишга тушди.



Ўзбекистонда **АҲОЛИГА БЕПУЛ БЕРИЛАДИГАН 69 турдаги дори воситалари рўйхати** эълон қилинди.



Миллий кутубхона олдидаги майдонда **7-9 май кунлари "TASHKENT FLOWERS FEST 2026" ГУЛЛАР БАЙРАМИ** ўтказилади.

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

Илм ва ҳунарга сармоя кўпайди, хорижга ҳавасмандлар камайди



Ўқиган одам кенг дунёқараши ва те-ран фикрлаши билан бошқалардан ажра-либ туради. Бундай кишилар жамият равнақи ва юрт ри-вожида ҳам ўзига хос ўринга эга. Айни ҳақиқатни чуқур англаган ҳолда охи-р-ги вақтда ёшларнинг илм-эгаллаши, ўз устида кўпроқ ишла-ши учун муносиб ша-роит яратиб беришга ҳаракат қилияпмиз. Тез орада худуди-мизда хорижий тил-ларни ўргатадиган ўқув маркази таш-кил этишни режа-лаштирганмиз. Қола-верса, олий таълим муассасасига кира олмаган йигит-қиз-ларни касб-ҳунар эгаллашга жалб қил-ганмиз. Йил сайин уларнинг сафи кен-гайиб бораётгани жуда қувонарли.

Бунёд ТАШАНОВ, Навбахор туманидаги “Қизилраб” маҳалласи раиси.

Ҳар бир ҳудуднинг эътибор қаратиш зарур бўлган ўзига хос жиҳатлари мав-жуд. Қаердадир жиноятчилик кўрсаткичлари ортиб кетган бўлса, бошқасида оилавий мождарлар кўпроқ учрайди. Агар “еттилик” ходимлари бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилса, бу муаммоларни ҳал қилиш унчалик қийинчи-лик туғдирмайди.

Маҳаллаимиз айни вақтда “яшил” тоифа сифатида юқо-ри кўрсаткичларни қайд этиб турибди. Бундай натижани сақлаб қо-лиш учун, аввало, ишсизларнинг бандлигини таъминлаш, ҳаммани фойдали меҳнатга жалб қилишга интиляпмиз. Қолаверса, миграция-да юрган фуқароларни юртимизда яратиб берилаётган имкониятлардан хабардорлиги-ни ошириб, оиласининг бағрига қайтаришга эришяпмиз.

Маҳаллаимиз “огир ҳудуд” сифатида танлаб олингани боис тадбиркорликни бошламоқчи бўлган ҳамда ўзини ўзи банд қилиш истаги-даги кишиларга 12 фоизли имтиёзли кредит ажратилапти. Жорий йил бошидан буён 25 нафар фуқаро айни шу имкониятдан фой-даланди. Уларнинг 5 нафари хорижий дав-латлардан қайтиб келиб, чорвачилик йўна-лишида иш бошлади. Хотин-қизлар эса тикув машинаси харид қилиб, уйда ўтирган ҳолда яхшигина даромад топяпти.

Маҳаллаимиз тоғли ҳудудда жойлашгани боис чорвачилик яхши ривожланган. Деҳқон-чилик ва иссиқхона йўналишлари ҳам тобора кенгаймоқда. Хусусан, лимон етиштирадиган хонадонлар сони охириги 3-4 йил ичда 10 тадан 25 тага кўпайди. Захматқаш миришқо-римиз Зокир Очилов асос солган мазкур тар-моқ ўзининг даромади мўллиги ва қўлайлиги билан кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда.


Боғбоннинг 2 сотихли томорқасида 30 ту-дан ортик лимон кўчати бор. Хонадон вакил-лари улардан йўлига икки қайта ҳосил олади. Шу орқали 50-60 миллион сўмдан ошқ фойда-га эришади. Зокир ака кўчатларни парвариш-лаш, уларга шакл бериш, суғориш ва ўғитлаш борасидаги тажрибаларини қўни-қўшнилари-га ҳам мароқ билан ўргатади. Бамавсалаҳ қилин-ган меҳнат эса маҳаллаимизга қут-баракка олиб кирапти.

Худудимизда кундан-кунга янгилаш ва ўзгаришлар рўй бераётганини кўриб, ишлашга иштиёқим янада ортапти. Мана, ҳадемай янги маҳалла биноси фойдаланишга топширилади. Қўлай шарт-шароитда “еттилик” ходимларининг бундан-да самаралироқ фаолият олиб бориши-га ишончим комил.

БАРАКА КАЛИТИ

ПЕШОНА ТЕРИ БИЛАН ТОПИЛГАН ТОТЛИРОҚ...

Меҳнатни зиммасига олган, изланишда, ҳаракатда бўлганлар хонадонда хазина бисёр. Маҳаллаимизда яшовчи Жума Мирзаев ва Норгул Ҳамроевалар ана шу “хазина”ни пешона тери эвазига яратмоқда.



Шаҳноза РЎЗИЕВА, Ромитан туманидаги “Пойжўй” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Уларнинг оиласи гавжум, рўзгори катта. Бунда вояга ет-ган уч нафар ўғил, шунингдек, уч нафар келин, 8 нафар неваря файзли дастурхон атрофида йиғилади. Хонадон-да барака ҳамда оилада тинчлик ҳукмрон. Сабаби, оилада катта-ларнинг ўз касб-коридан ташқари, уйда қизқарли машғулот-и бор. Жума ака ва унинг фарзандлари турли соҳада ишлашига қара-масдан, бўш вақтда рўзгор юмушларида кўмаклашади.

Оила соҳибаси Норгул Ҳамроева эса саккиз неварасининг таълим-тарбиясидан ортиб, ўғиллари ва келинларини томорқа ва оғилхонадаги меҳнатга қорлайди. Бу хонадонда чорвачиликка бошқача меҳр қўйилган. Сигирлар сути қатик, қаймоғу сариёққа айланаб, рўзгорга барака киритса, бурдоқига боқилаётган қорамол, қолаверса, қирқдан ортик товуқ яхши парваришдан тухумга кирган, хатто қўни-қўшни ҳам бундан баҳраманд бўлмоқда.

Хонадонда невар-ларнинг ҳам ўз “эрма-ги” бор, улар қўён боқиб кўпайтириш билан ово-ра. Парҳезбол гўшти ма-зали ва хушхўр. Қўрада-ги қўй-эчкилар эса эрта баҳорда икки, учта-лаб қўйчоқ бергани ҳам астойдил парвариш ва меҳнат маҳсули.

Оила рўзгори катта бўл-масин, тўқинликни ўзлари таъминлайди. Миришқор хо-надоннинг асосий тамойили, кимдандир қарз сўраб эмас, аксинча, толганини бошқалар-га илиниб яшашда.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Хадичабону ТУРДИЕВА, Тошкент вилояти:
— Олий таълим муассасасига кириш учун хотин-қизларга тавсиянома бериш қачондан бошланади? Бу имконият кимларга тақдим этилади?

Тавсиянома бериш қачондан бошланади?

Ситора РАҲМОНБЕРДИЕВА, Оила ва хотин-қизлар кўмитаси мутахассиси:

— Жорий йилда олий таъ-лим муассасаларига кириш учун қўйидаги тоифадаги хотин-қизларга тавсияномалар бериш жараёни Ягона интер-актив давлат хизматлари порта-ли (my.gov.uz) орқали амалга оширилиши белгиланган:

☑ мутахассислиги бўйича камида беш йил меҳнат ста-жи бор, аммо олий маълумот-га эга бўлмаган хотин-қизлар (қўшимча тўлов-контракт асо-сидаги қабул кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этиш учун).

☑ эҳтиёжманд оилалар-даги хотин-қизлар (қўшимча давлат гранти асосидаги қа-бул кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этиш учун).

Хозирги вақтда мазкур хиз-матларни тизимда тўлиқ ва сифатли йўлга қўйиш бўйича техник созлаш ҳамда амалиёт-га жорий этиш ишлари якун-ланмоқда.

Шу муносабат билан тавсия-нома олиш учун аризаларни қабул қилиш муддатлари ва тартиби яқин кунларда расмий каналларимиз орқали қўшим-ча равишда эълон қилинади.



Боқимандалик кайфиятига тушиб қолган аёлларни жамиятнинг фаол аъ-зосига айлантириш мақсадида тадбир-корликка жалб қилияпмиз. Йил боши-дан буён 8 нафар хотин-қизга имтиёзли равишда кредит ажратилди. Улар маблаг эвазига тикувчилик, иссиқхона ташкил этиш ҳамда томорқадан унумли фойда-ланиш йўналишларида ўз фаолиятини бошлади. Бундан ташқари, охириги икки йилда 200 нафардан кўпроқ уйда ўтирган опа-сингиллимизни майиз тозалаш машғу-лотига жалб қилганмиз. Ургут туманида-ги боғбонлар билан ҳамкорликда йўлга қўйилган янги лойиҳа яхши самара бер-япти. Бу йил мазкур йўналишни янада ривожлантиришни мақсад қилганмиз.

Маҳалла ходимлари ўзи бошқаларга намуна бўлсагини, ишида ўзгариш сезилади. Шу боис доим изланишдаман. Уйимизда мўъжазгина кутубхона ташкил этганмиз. Турмуш ўртоғим ва фарзандларим билан ҳар куни бир соат вақтимизни мутолаага ажратамиз. Олинган билим меҳнат унумдорлигини оширишга, болаларимнинг дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилапти.

Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХУЖАЕВА тайёрлади.



“HYUNDAI ROTEM”
ПОЕЗДИ “Тошкент —
Хива” йўналишида
мунтазам қатновларни
бошлади.



Ёш шахматчимиз
САИДАКБАР
САИДАЛИЕВ Истанбул
турнирида ғалабага
эришди ва ФИДЕ
рейтинги учун +12,5 балл
тўплашга муваффақ
бўлди.



Ўзбекистоннинг олти
ҳудудида ҳар йили
3,6 миллион тонна
чиқиндиларни қайта
ишлайдиган ЧИҚИНДИ
ЁҚИШ КОРХОНАЛАРИ
қурилади.

2026 йил
6 МАЙ,
ЧОРШАНБА

Mahalla №37

5

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР —
ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”

ТАШАББУС

“БОЛАЛАР ҲАРАКАТИ”: ЛИДЕРЛИК, РАҚАМЛАШУВ ВА ЯНГИ ЛОЙИХАЛАР МУҲОКАМАСИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Айтиш керакки, айни вақтда юртимиз бўйлаб жами 8 000 нафардан ортиқ маҳалла сардорлари, 1 872 нафар туман-шаҳар, 126 нафар ҳудудий ҳамда 9 нафар республика сардорлари саралаб олинган.

Учрашув давомида Республика сардорлари 2026-2027-ўқув йили давомида амалга оширилиши режалаштирилган ўзларининг инновацион лойиҳалари, ижтимоий ташаббуслари ва медиа-режаларини батафсил тақдим этди.

Жумладан, маҳалла, туман (шаҳар) ва ҳудудларда фаолият юритаётган “Болалар ҳаракати” сардорларининг ташкилий салоҳиятини мунтазам ривожлантириш, уларда лидерлик, масъулият ва ташаббускорлик кўникмаларини мустаҳкамлаш мақсадида “Энг намунали сардорлар” кенгаши танловини ташкил қилиш тақлиф этилди.

Шунингдек, болаларда ўз фикрини эркин ифода этиш, креатив ёндашув ва жамоада ишлаш кўникмаларини шакллантириш мақсадида “Болалар студияси”ни очиб, маҳалла сардорлари фаолиятини ривожлантириш мақсадида йилга бир марта “Йил сардори” кўрик-танловини ўтказиш, болаларнинг истеъдодини кашф этишга қаратилган “Жажжи юлдузлар” болалар ижодий фестивалини уюштириш ташаббуслари билдирилди.



Қолаверса, болаларнинг ижодий намуналарини қўллаб-қувватлаш ва тарғиб қилиш мақсадида “Қуртак” болалар журналини ташкил қилиш, “Болалар ҳаракати” фаолиятини рақамлаштириш ҳамда ҳар бир бола учун тенг имкониятлар майдонини яратиш мақсадида “Сардорлар” мобил иловасини яратиш лозимлиги қайд этилди.

Тақдим этилган энг яхши тақлиф ва ташаббуслар тўлиқ қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди. Барча юғяларни ягона тизимга бирлаштириб, ёзги таътил мавсумини юқори савияда ўтказиш, “Ёзни болалар ташкилоти билан!” шиори остидаги махсус дастурни ҳаётга татбиқ этиш масалалари муҳокама марказида бўлди.

Ризқи анор донасидек кўп, рўзғор унинг ҳидидек файзли



Бугун маҳалламизда осойишталик, хотиржамлик ҳукм сурмоқда. Ҳар бир фуқаро ўз меҳнати билан яшаб, эртанги кунга ишонч билан қарамоқда. “Карвон кўп, ризқи бўлак”, дейдилар. Дарҳақиқат, ҳар ким ўз меҳнатига яраша ризқ топтоқда. Биз эса маҳалла фаоли сифатида шу меҳнатни қўллаб-қувватлашда давом этамиз.

Маҳалламиз — меҳнат билан яшайдиган, ризқини ер бағридан топадиган одамларнинг файзли маскани. Бугун бу масканда 3 402 нафар фуқаро истиқомат қилади. Ҳар бир хонадоннинг ҳаёти, ҳар бир оиланинг қувончи кўп жиҳатдан ерга боғлиқ. Чунки бизнинг ҳудудимиз азалдан деҳқончилик ва чорвачилик билан ном қозонган, серҳосил ва унумдор ерларга эга.

Азим БЕРДИХОЛОВ,
Кармана туманидаги
“Ҳазора” маҳалласи раиси.

Айниқса, анорчилик маҳалламизнинг фахри ҳисобланади. Деярли ҳар бир хонадонда камида 70-80 туп анор кўчатлари парварош қилинади. Ҳар бир тупдан ўртача 40 килограмм ҳосил олинади, бу эса бир хонадон учун 2,5-3 тоннагача ҳосил дегани. Анор кўчатлари, асосан,

қаламчадан етиштирилиб, икки йил ичида ҳосилга қиради. Ҳудудимизда ҳатто 30-35 йиллик дарахтлар ҳам бор, улар хануз мўл ҳосил бериб, деҳқонларимиз меҳнатини оқламоқда.

Бу ерда анорнинг саккиз хил тури етиштирилади. Ҳосил нафақат маҳалламиз эҳтиёжини қондиради, балки кўшни ҳудудларга ҳам етказиб берилади. Бу эса аҳоли даромадини оширишда муҳим омил бўлаётди.

Албатта, ер ҳам меҳнатга қараб жавоб беради. Кимки ўз вақтида суғориб, ишлов

бериб, меҳр билан парвариш қилса, дарахт ҳам унга барака билан жавоб қайтаради. Шу ўринда миришкор деҳқонларимиз — Олимжон Зойиров ва Ахтам Рўзиқуловларнинг меҳнатини алоҳида эътироф этиш лозим. Улар кўз фаслида анор қаламчаларини меҳр билан парваришлаб, ўз тажрибаларини бошқаларга ҳам ўргатиб келмоқда. Дарахт новдаларини кўмиб, баҳорда очиб, зарур озик моддалар билан таъминлаш, суғоришни ўз вақтида амалга ошириш — буларнинг барчаси улардан ўрнак бўлаётган тажрибалардир.

Ана шу изчил меҳнат самараси ўлароқ, бугун маҳалламизда ишсизлик деярли йўқ. Йил бошида рўйхатда турган 7 нафар ишсиз фуқаро билан манзилли ишладик. Уларга анорчилик сир-асдорлари ўргатилди, баҳорда қаламчалар тарқатилди. Айримлари эса пахтани қайта ишлаш корхоналарига ишга жойлаштирилди. Натижада улар ҳам ўз ризқини топа бошладилар.

Яна бир муҳим жиҳат — оилалар мустаҳкамлиги. Моддий етишмовчилик ва ишсизлик айрим оилаларда келишмовчиликларга сабаб бўлаётган эди. Бу масалага жиддий эътибор қаратиб, муаммоларни жойида ҳал этдик. Натижада бу йил ажралиш ҳолатлари қайд этилмади. Ҳатто ажралиш ёқасига келиб қолган 3 та ёш оила ҳам асраб қолинди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

“КЕЛИНИМНИНГ ШАРТНОМА ПУЛИНИ ТЎЛАСАМ, ИМТИЁЗ БОРМИ?”

Лола БОЙИРБЕКОВА,
Сурхондарё вилояти:

— Олий таълим муассасасида ўқийётган келинимнинг шартнома тўловини ўз иш ҳақимдан тўлаб бермоқчи эдим, бироқ олийгоҳ рад этяпти. Айтингчи, келиним учун тўлов қилганимда, 12 фоиз даромад солиғи бўйича имтиёз қўлланилмайди?



Анвар ИБРАГИМОВ,
адвокат, ҳуқуқшунос:

— Солиқ кодексининг 378-моддаси 16-бандида даромад солиғи бўйича имтиёз аниқ доирадаги шахсларга нисбатан қўлланилиши белгиланган: солиқ тўловчи ўзининг, фарзандининг ёки 26 ёшга тўлмаган турмуш ўртоғининг таълим харажатларини қоплаганда, мазкур имтиёздан фойдаланиши мумкин. Келин эса қонун нуқтаи назаридан “фарзанд” ёки тўғридан-тўғри қарам шахс сифатида қаралмайди, шу боис имтиёз унга татбиқ этилмайди.

Шунга қўра, ҳозирги ҳолатда келинингиз учун шартнома пули тўланганда, даромад солиғи ушланмаслиги бўйича имтиёз қўлланилиши қонуний асосга эга эмас. Агар ўзларингиз турмуш ўртоғи учун иш ҳақи ҳисобидан шартномани тўласа, имтиёз қўлланади.

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

Имконият бор жойда иқтидор йўқолмайди!

Ёшлар билан ишлашнинг завқи ўзгача — уларнинг кўзидаги ишончни кўриш, орзуларига қанот бўлиш инсонни руҳлантиради. Аммо бу йўлни ўзи яраша масъулият, баъзан эса оғир синовлар ҳам йўқ эмас. Чунки ёшлар тақдири, бу — келажак тақдири демасди.

Нодирбек ШАМШИЕВ,
Мирзаобод туманидаги
“Боғистон” маҳалласи
ёшлар етакчиси.

Айниқса, эҳтиёжманд ёшлар билан ишлаш ниҳоятда нозик масала. Бугун уларнинг моддий харажатларини қоплаш, таълим олишига шароит яратиш устида тизимли ишлар олиб бораётишимиз. Чунки илм олиш учун фақат иқтидор ва ғайрат эмас, балки моддий имконият ҳам зарур. Масалан, яқинда икки нафар ўқув-чимизнинг ўқишга тайёргарлик харажатларини тўлаб бердик. Уларнинг бири — отаси узоқ йиллардан бери хорижда ишлаётган, оиланинг асосий юқини онаси кўтариб келётган иқтидорли қиз. Иккинчиси, кўп фарзандли оиладан чиққан, аммо математика ва чет тилларига қизиқиши баланд бўлган йигит. Бугун улар бемалол дарсларини давом эттириб, орзулари сари дадил қадам ташламоқда.

Яна икки нафар ёшнинг олийгоҳдаги шартнома тўлови қоплаб берилди. Энди улар моддий ташвишлардан холи ҳолда, бор эътиборини илм олишга қаратмоқда. Улардан умидимиз катта — улар эртага нафақат ўз оиласи, балки жамиятимиз равоқчи учун хизмат қиладиган мутахассислар бўлиб етишишига ишонамиз.

Аваллари бундай имкониятлар кам эди. Кўплаб иқтидорли ёшларимиз моддий қийинчилик сабаб ўқишдан четда қолиб кетгани сир эмас. Буни нурунийлар ҳам кўзда ёш билан эслайди — фарзандини ўқитишни орзу қилган, аммо рўзғор ташвиши боис уни меҳнатга мажбур қилган ота-оналар кўп бўлган. Айрим ёшлар эса мактабни битириши билан хорижга кетиб, ҳали ўсмирлигидаёқ елкасига оғир юк ортган. Уларнинг қалбига қолиб кетган ўқиш орзуси эса йиллар давомида армон бўлиб қолган.

Бугун эса вазият ўзгарди. Биз энди иқтидорни ўзимиз излаймиз, кимга ёрдам керак бўлса, беминнат кўмак беришга ҳаракат қила-

миз. Энг муҳими — ёшларимиз ҳам бу имкониятлардан тўғри фойдаланиши лозим.

Миграцияда юрганлар билан ҳам доимий алоқадимиз. Уларнинг ҳолидан мунтазам хабар оламиз. Қайтиш истагида бўлганларга амалий ёрдам кўрсатамиз. Ҳозир кўпчилиги қурилиш соҳасида меҳнат қилмоқда. Биз эса уларга юртимизда ҳам бу соҳа жадал ривожланаётганини, бу ерда ҳам муносоиб даромад топиш имкончилигини тўшунирятимиз. Натижада Жавоҳир Бурхонов каби 8 нафар ёшни юртимизга қайтариб, қурилиш соҳасига йўналтирдик.

Шунингдек, ташаббускор ёшларимиз ҳам йўқ эмас. Масалан, Уткир Абдурахмонов 30 миллион сўм кредит асосида қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. У бу йўналишда аввалдан тажриба тўплаган бўлиб, ҳоким ёрдамчиси ва маҳалла кўмагида ўз фаолиятини кенгайтirdи. Бугун у нафақат ўзини, балки бошқаларни ҳам иш билан таъминлашга ҳаракат қилмоқда.

Албатта, қиладиган ишларимиз кўп. Айрим ёшларимиз кредит олишда банк лимитлари билан боғлиқ муаммоларга дуч келмоқда. Агар бу борада имкониятлар кенгайса, яна кўплаб йигит-қизлар тад-

биркорликка кириб келишга тайёр. Бугун биз ҳар бир ёшга эътибор қаратишга, уларнинг дардини тинглаб, ечим топишга интиляймиз. Чунки ҳар бир қўллаб-қувватланган ёш — бу эртанги кунимизнинг умидидир.



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Шаҳноза ХАЛИЛОВА
тайёрлади.



Ўзбекистонда жорий ҲАЖ МАВСУМИНИНГ ИЛК ЗИЁРАТЧИЛАРИ Мадинага кузатилди. Бу йил 15 минг 130 нафар зиёратчи юборилади.



Янги хусусий клиникаларга 200 миллион доллар имтиёзли кредит ажратилди, уларга ТРАНСПЛАНТИ АРГА ҚИЛИШГА РУХСАТ БЕРИЛАДИ.



Ўзбекистонда 2026 йилнинг январь-март ойларида КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРГА 161,5 миллиард сўмга яқин ҚҚС қайтарилди.

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

“МУАММОЛАР БИР-БИРИДАН ФАРҚ ҚИЛАДИ, ЛЕКИН КЕЧИНМАЛАР ЖУДА ЎХШАШ”

Онанинг кўзларида қалқиб турган ёш. Қалбдаги изтироб ва алам чашмаси. Не-не умидлар билан дунёга келтирган фарзандининг оғир хасталик сабаб ногирон бўлиб қолиши уни қаттиқ тушқунликка тушириб қўйди. Аёл ўғлини беш ёшга тўлгунга қадар елкасида кўтариб улғайтирди. Оғриқларига шерик тутиниб, биргалашиб изтироб чекди. Дунёнинг барча юмушларидан юз ўгириб, ўзини тўлалигича боласининг парваршига бағишлади.



Ёркиной ҲАМРОҚУЛОВА, Тошлоқ туманидаги “Чек” маҳалласи ижтимоий ходими.

Лекин ҳаёт биз уйлаганчалик осон эмас. Яшаш учун курашиш керак. Тўхтаб қолганни вақт кутиб турмайди. Абдулазиз олти ёшга қадам қўйганда, аёл шу ҳақиқатни англаб етди. Бошқа фарзандларига ҳам эътибор кераклиги, рўзгор юритиш учун меҳнат қилиш зарурлиги боис ўғлини “Муруват” ногиронлиги бўлган болалар учун интернет уйига жойлаштиришга мажбур бўлди. Соғинч туйғусига йўғрилган беш йиллик умр жуда оғир кечди.

Айниқса, Абдулазиз янги муҳитга мослашишга қийналди. Ота-она меҳрини қумсаб, ўз қобилигига ўралиб олган эди. Лекин масалага бошқа ечим кўринмасди. Маҳалладаги ўрганишларим давомида мазкур оила ҳолатидан хабар топдим. Уларнинг муаммоларини бартараф этиш мақсадида давлат яратиб бераётган имкониятлар ҳақида маълумот бердик. Худудимизда ташкил этилган кундузги қараб туриш хизматига йўналтириш орқали Абдулазизни оиласи бағрига қайтариш мумкинлигини тушунтирдик. Аввалига хонадон вакиллари бу таклифимизни қабул қилишга иккиланди. Янги очилган марказдаги шарт-шароитлар билан яқиндан танишгач, охириги қарорини қабул қилди.



Дийдор — нақадар ширин ва тотли. Айниқса, она ва боланинг меҳрга тўла нигоҳлари ҳар қандай юракни жумбушга келтиради. Абдулазизнинг қувончи ичига сиғмай уйига қайтди. Энди у аввалгидек имконияти чекланган бола эмас. Ўзини бемалол эплай олади. Ҳатто, уй юмушларини бажаришда онасига кўмаклашяпти. У келгандан кейин хонадонга бошқача фойз киргандек бўлди. Болақайни йўқлаб келувчилар анча кўпайди. Қўни-қўшинлар кунда-кўнورا тансиқ таомлар билан ҳол сўраб чиқишяпти. Энг муҳими, қалб ришталари боғланди.

Фаолиятим давомида бу каби тақдир эгаларини кўплаб учратаман. Тўғри, муаммолар бир-биридан фарқ қилади, лекин кечинмалар жуда ўхшаш. Қўйналганларни кўлаб-қувватлаш, эҳтиёжмандларни рағбатлантириш эса ҳам бизнинг, ҳам аҳоли вакилларининг қалбларига қувонч улашяпти.

БИЗДАН ФАҚАТ МЕҲР ҚОЛАДИ...

Саховат ва ғамхўрликдан кўнгиллар рози

Маҳалладаги ижтимоий ходимлар тизимнинг пастки бўғини ҳисобланиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга керакли хизмат ва ёрдамларни кўрсатмоқда.

Дилшодбек ШОДИЕВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Қашқадарё вилояти бошқармаси матбуот котиби.

Хусусан, Сайхот Жаниева фаолиятини бунга яққол мисол сифатида келтириш мумкин. У қарийб икки йилдан буён Чирчиқ туманидаги “Қаҳрамон” маҳалласида ижтимоий ходим сифатида ишлаб келмоқда. Фаолияти давомидаги 123 та кейсдан 69 таси ижобий ҳал этилган. Бундан ташқари, маҳалласида ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда камбағал оила болаларини қўшимча таълим олиши ва бандлигини таъминлаш бўйича 4 та “кичик лойиҳа” амалга оширилди. Имона Нормаматова илгари уйда таълим олар эди.

Ижтимоий ходим қизни тиббий кўрикка йўналтирди ҳамда умумтаълим мактабининг инклюзив синфига ўтишида ёрдам берди. Ҳозирда Имона жуда фаол ҳамда тенгдошлари билан бирга таълим олиб келмоқда. Норпия Бекмирзаева турмуш ўртоғи вафот этганидан сўнг ёлғиз қолди. Уйи жуда ҳам таъмирталаб ахволдалиги учун ёнғингарчилик вақтида томидан сув ўтарди. Маҳалладаги ижтимоий ходим ва саховатпеша инсонлар кўмагида Норпия момонинг уйи янгидан қуриб берилди. Фуқаро кўрсатилган эътибор ва ғамхўрликдан жуда мамнун. Бу каби олиб борилаётган ишлар ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фаровонлигини таъминлаш ва уларнинг давлатдан рози бўлиб ҳаёт кечирашига хизмат қилмоқда.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шайхона РАҲИМХУҲАЕВА тайёрлади.

ИНТИЛГАНГА ИМКОНИЯТ ЧЕКСИЗ

“ИНСОН УЧУН”: ИРОДА ВА БИРДАМЛИК ҲАРАКАТИ



Бугун Бухоро осмони остида нафақат қуёш, балки инсон иродаси, кучи ва бирдамлиги ҳам ёрқин порлади. “Ёшлар кунини”га бағишлаб ўтказилган “Мен ғолиб” умумхалқ югуриш ҳаракати бу кунни чин маънода байрамга айлантирди.

Зарнигор НАФИДДИНОВА, журналист.

Тонг саҳарда бошланган марафон майдонига йиғилган юзлаб иштирокчилар қалбиди битта ягона туйғу бор эди — ғалаба сари интилиш. Бу ерда ғолиблик фақат маррани биринчи бўлиб кесиб ўтишда эмас, балки ўзини энгишда, имкониятларини синашда, ҳаётга бўлган муҳаббатни намоён этишда эди. Марафон доирасида ташкил этилган “Silk Road — Bukhara”, “Талаба — югур” ва “Инсон учун” инклюзив югуриш марафони ҳар бир қатнашчига ўзига мос йўлни танлаш имконини берди. Айниқса, “Инсон учун” инклюзив марафони ўзининг чуқур маъноси билан ажралаб турди. 300 нафардан ортиқ ногиронлиги бўлган шахс иштирок этган инклюзив марафонда кўзи ожиз ва заиф кўрувчилар, қар ва заиф эшитувчилар, таянч ҳаракати чекланган иштирокчилар ҳамда аравачада ҳаракатланувчилар бир сафда, бир мақсад йўлида бирлашди. Уларнинг ҳар бир қадами жасорат, ҳар бир ҳаракати эса матонат тимсоли эди. Улар ҳаёт синовларига таслим бўлмай, аксинча, ўз кучини намоён этиб, жамиятга кучли ироданинг ёрқин намунасини кўрсатди. Шу боис бу марафонда ҳар бир иштирокчи аллақачон ғолиб эди. “Инсон учун” инклюзив югуриш ҳаракати оддий спорт тадбири эмас, балки инсонийлик, бағрикенглик ва бирдамликнинг ёрқин ифодасига айланди. Бухоро заминиди янграган ҳар бир қадам товуши, ҳар бир юрак уриши битта ҳақиқатни эслатди: ҳақиқий ғолиблик, бу — ўз устингдан қозонилган ғалабадир.

ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚ — ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИ

Меҳр болага куч, ишонч ва умид беради

Бугунги кунда болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор ва инсонпарвар йўналишларидан бирига айланган. Айниқса, қийин ҳаётини вазиётга тушган, зўравонликка учраган, етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум гўдаклар билан ишлашда тизимли, мақсадли ва самарали ёндашувларни жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Гулнора НУРИМБЕТОВА, Хўжайли тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази бош мутахассиси.

Эндиликда болалар билан ишлаш фақатгина ёрдам кўрсатиш билан чекланиб қолмаяпти. Балки уларнинг ҳаётини тиклаш, ривожлантириш ва жамиятга мослаштиришга қаратилган комплекс тизим шаклланимоқда. Бу жараёнда “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ва маҳалладаги ижтимоий ходимларнинг ўрни беқиёс. Улар боланинг ҳолатини чуқур ўрганиб, унинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда манзилли ёрдам кўрсатмоқда.



Жумладан, янги жорий этилган “Кичик ҳажми ижтимоий кўмак марказлари” ва “Профессионал тутинган оила” хизматлари бугунги кунда болаларни ҳимоя қилишнинг энг самарали моделларидан бирига айланмоқда. Бу тизим орқали зўравонлик қурбони бўлган ёки хавф остидаги болалар институционал муҳитга эмас, балки оилага яқин, меҳр-муҳаббатга бой шароитда парвариланмоқда.

Масалан, яқинда оиласида доимий жанжал ва зўравонлик муҳитида ўсган 10 ёшли бола вақтинча “Профессионал тутинган оила”га жойлаштирилди. У ерда бола нафақат хавфдан ҳимоя қилинди, балки психологик ёрдам, таълим ва меҳр орқали ўзини қайта тиклаш имкониятига эга бўлди. Бир неча ой ичида унинг ҳулқ-атвори ижобий томонга ўзгариб, ўқишга бўлган қизиқиши ҳам ошди. Кейинчалик эса оиласи билан ишланган ҳолда бола ўз ақинлари бағрига қайтарилди.

Яна бир мисол сифатида ҳуқуқ-бузарликка мойил бўлган ўсмир билан олиб борилган ишни келтириш мумкин. Шу сабабли, ота-оналар режа асосида спорт тўғралигида жалб этди. Психолог билан мунтазам иш олиб борилди ва натижада боланинг салбий муҳитдан узилиши таъминланди. Бугун у ўз келажагини аниқ мақсадлар асосида қуришга интиляётган ёшлардан бирига айланди.

Хулоса қилиб айтганда, болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимида комплекс, инсонпарвар ва эҳтиёжга йўналтирилган ёндашувларнинг жорий этилиши ижобий натижалар бермоқда. Ижтимоий иш стандартлари асосида олиб борилаётган баҳолаш ва манзилли ёрдам боланинг индивидуал эҳтиёжларини тўлиқ қондиришга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, жамиятда соғлом, баркамол ва бахтли авлодни шакллантиришга муваққам замин яратди.



Ўзбекистон тадбиркорлари 2025 йилда 178,1 триллион сўмлик СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ИМТИЁЗЛАРИДАН фойдаланди.



Тошкент вилоятидаги Угом дарёси ДАВЛАТ ГИДРОЛОГИК ТАБИАТ ЁДГОРЛИГИ деб эълон қилинди.



Электромобилларни қувватлашда 1 кВт./соат электр энергиясининг 300 сўмдан ошган қисми ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ҲИСОБИДАН ҚОПЛАБ БЕРИЛАДИ.

2026 йил
6 МАЙ,
ЧОРШАНБА

Mahalla №37

7

“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

ТАРТИБ

СУВНИНГ ҲАР ТОМЧИСИ ҚАДРЛИ, ТЕЖАЛСА, ҲОСИЛ ҲАМ, ДАРОМАД ҲАМ ОРТАДИ

Қишлоқда яшаган одам яхши билади: ер бўлса — ризқ бор, сув бўлса — барака. Лекин сув ҳамма вақт ҳам етарли бўлиб қолмайди. Шунинг учун кейинги йилларда маҳаллаларда деҳқонларимиз “сувни тежайдиган технология” деган гапни кўп такрорляпти. Бу оддий гап эмас — бу ҳар бир томчи сувни асраш, ерни тежаб ишлатиш дегани.



Шахноза ХАЛИЛОВА.

у мақсадда Ҳукуматнинг жорий йил 28 апрелда-

ги тегишли қарори билан “Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларнинг сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларининг бир

қисмини қоплаш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланди. Бу қарорнинг моҳиятини оддий қилиб тушунтирганда, сувни тежайдиган тизим ўрнатган деҳқон ва фермерга давлат ёрдам беради.

Бу гап, айниқса, маҳаллалар учун жуда муҳим. Чунки ҳар бир маҳаллада кимдир боғ қилади, кимдир сабзавот, кимдир галла етиштиради. Энди шу одамлар замонавий томчилатиб суғориш ёки бошқа тежамкор усулларни жорий қилса, қилган харажатининг бир қисмини давлат қоплаб беради. Яъни меҳнат қилаётган одамга энгиллик яратилади.

Лекин бу жараённинг ҳам ўз тартиб-қоидаси бор. Субсидия ҳар бир контур учун фақат бир марта берилади. Шунинг учун маҳалладаги ҳар бир фермер ўз ерини тўғри ҳисоблаб, контурларини аниқ қилиб, Агропорталга киритиши керак бўлади. Буни оддий қилиб айтсак,

“ерим қаердан қаергача” деган масала аниқ бўлиши керак.

Шундан кейин фермер Агропортал орқали электрон тарзда ариза беради. Бугунги кунда бу ҳам анча осонлашди — уйда ўтириб ҳам, маҳалладаги “еттилик” вакиллари кўмагида ҳам ариза юбориш мумкин. Аризага айрим ҳужжатлар илова қилинади. Масалан, сув тежайдиган тизим ўрнатадиган ташкилот билан тузилган шартнома, ишлар бажарилгани ҳақида далолатнома ва қайси ерда иш қилингани ҳақида маълумотлар. Буларнинг ҳаммаси маҳаллада ишнинг тўғри ва ҳалол бўлишини таъминлаш учун керак.



Яна бир яхши жиҳати — агар кимдир ўз маблағи ҳисобидан бу тизимни аввалдан ўрнатиб қўйган бўлса, давлат уни қўллаб-қувватлаб, харажатнинг 50 фоизини олдиндан тўлаб бериши мумкин. Энди кимдир янги иш бошламоқчи бўлса, қўрқмай қадам қўяди.

Охир-оқибат, бу қарорнинг маъноси жуда оддий: маҳаллада меҳнат қилаётган одамнинг юки энгил бўлсин, сув беҳуда сарф бўлмасин, ер барака берсин. Агар ҳар бир маҳалла шу тарзда сувни тежай бошласа, эртага далаларимиз янада яшнаб, ҳосил ҳам, даромад ҳам кўпаяди.

СОЛИҚЧИ — КўМАКЧИ

Мувозанат, бу — назорат ва масъулият уйғунлиги ифодаси

Солиқчи, бу — тартиб ва мувозанатни ушлаб турадиган, жамиятдаги адолатнинг бир бўғини ҳисобланадиган инсон. Чунки ҳар бир тўланган солиқ ортида маҳалланинг ободлиги, йўл, мактаб, тиббиёт ва умумий фаровонлик туради.

Зиёвуддин Йўлдошев, Сардоба туманидаги “Бирлашган”, “Пахтакор”, “Бўстон”, “Равот” маҳаллалари солиқ инспектори.



Бу жараён оддий эмас. Ҳужжатлар Кадастр агентлиги, солиқ инспекцияси, сув ҳўжалиги, фавқулодда вазиятлар хизмати ва яна 15 дан ортқ ташкилот билан келишган ҳолда кўриб чиқилади. Шундан кейингина ер ва мулк тўлиқ қонуний бўлади. Биз эса шу жараёнда фуқаролар мурожаатини қабул қилиб, уларнинг муаммосини тушуниш ва ҳал қилишга ҳаракат қилишимиз.

уманимиз 5-тоифадаги оғир ҳудудлар сирасига киради. Шу боис бу ерда тадбиркорлар, фермерлар ва аҳоли учун бир қатор солиқ имтиёзлари амал қилади. Биз эса шу имтиёзларни одамларга тўғри тушунтириш, уларга амалий ёрдам бериш ва улардан тўғри фойдаланишига кўмаклашишни ўз вазифамиз, деб биламиз.

Масалан, йил давомида 40 миллион сўм солиқ тўлаши керак бўлган тадбиркор бор, дейлик. Аммо ҳудудимиз имтиёзли тоифада бўлгани учун у 10 миллион сўм тўлайди. Бу дегани — тадбиркорнинг қўлида қўшимча имконият бор, у ишини кенгайтиради, янги иш уринлари яратади.

Имтиёзлар фақат тадбиркорларга эмас, балки фермерлар, яъна тартибдаги тадбиркорлар, мол-мулк тўловчилари ва жисмоний шахсларга ҳам тегишли. Ҳар бир тоифадаги фуқаро ўз ҳуқуқини билиши ва ундан тўғри фойдаланиши жуда муҳим. Шу мақсадда тушунтириш ишларини олиб борамиз, саволларга жавоб берамиз, баъзан ҳужжатларни тўлдиришда ёрдам берамиз.

Ҳозирги кунда “Этироф” дастури бўйича кўплаб мурожаатлар келиб тушмоқда. Бу дастур орқали аввал тартибга солинмаган, лекин амалда одамлар яшаб, фойдаланиб келаётган ер ва уй-жой масалалари кўриб чиқилмоқда. Масалан, ноқонуний эгалланган ерлар, ҳужжати тўлиқ бўлмаган уйлар ёки кадастри йўқ иншоотлар шу тизим орқали ўрганилапти.

Айниқса, менга бириктирил-

ган маҳаллаларда бундай ҳолатлар кўпроқ учрамоқда. Бу ерларда илгари ордер асосида берилган уйлар бор, лекин ордерда фақат уй қайд этилган, ер масаласи тўлиқ расмийлаштирилмаган. Кадастр агентлиги билан ҳамкорликда ушбу масалаларни босқичма-босқич ҳал этялмиз. 6-8 сотихгача бўлган ер майдонлари қонун доирасида расмийлаштирилиб, фуқароларнинг мулк ҳуқуқи мустаҳкамланмоқда.

Шоира Қўчқорова. Қашқадарё вилояти: — Мен уйимда тикувчилик фаолиятини бошламоқчиман, бунинг учун яқка тартибдаги тадбиркорликни йўлга қўйишим шартми? Уни очсам, ойига ёки йилга қанча солиқ тўлашим керак?

Эркин ҲУСАНОВ, Адвокат, ҳуқуқшунос:

— Агар сиз тикувчилик фаолиятини бошлаб, уни қонуний йўлга қўймоқчи бўлсангиз, яқка тартибдаги тадбиркор (ЯТТ) сифатида



ТИКУВЧИЛИК ФАОЛИЯТИ УЧУН СОЛИҚ ТўЛАНАДИМИ?

рўйхатдан ўтишингиз керак. Бу орқали сиз нафақат эркин ишлайсиз, балки белгиланган имтиёз ва энгилликлардан фойдаланиш имконига эга бўласиз.

Солиқ тўлашга келсак, бу, аввало, фаолиятингиздан тушадиган айланма маблағин-

гизга боғлиқ. Агар йиллик айланмангиз 1 миллиард сўмгача бўлса, тушумингиздан атиги 1 физ миқдоридан солиқ тўлайсиз. Бу кичик бизнес учун жуда қўлай ва энгил ҳисобланади. Агар фаолиятингиз кенгайиб, айланмангиз 1 миллиард сўмдан оши-

МЕНДА САВОЛ БОР...

кетса, у ҳолда сиз қўшилган қиймат солиғи (12 фоиз) ва фойда солиғи (15 фоиз) тўлаш тартибига ўтасиз.

Шу билан бирга, ЯТТ сифатида рўйхатдан ўтганингиздан кейин ҳар ойда БҲМнинг бир баравари миқдоридан ижтимоий солиқ тўлайсиз. Ҳозирги кунда бу миқдор 412 000 сўмни ташкил қилади. Бу тўлов келажакда пенсия таъминоти учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Сизга яна бир қўлайлик — агар бу сиз учун илк марта ЯТТ очилса, рўйхатдан ўтганингиздан кейинги биринчи ой давомида барча солиқ турларини тўлашдан озод этиласиз. Шунингдек, фаолиятингизни кенгайтиришни режалаштирсангиз, ЯТТ сифатида 5 нафаргача ходимни расмий равишда ишга олишингиз мумкин. Бу эса тикувчилик цехини ташкил қилиш ёки буюртмаларни кўпайтиришда қўл келади.

Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шахноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.



ТАВСИЯ

МУДДАТЛАРНИ Тўғри ҲИСОБЛАНГ!

Кўп ҳолатда фуқаролар солиқдан келган хатни очиб кўради, лекин ундаги муддатга унчалик эътибор бермайди. Энг муҳими — унда кўрсатилган муддатни тўғри ҳисоблаш. Чунки айрим ҳолатларда муддатни нотўғри тушуниш орқали фуқаро ўзини ноқулай ҳолатга солиб қўйиши мумкин.



Эсда тутинг: муддат ҳар доим хат келган кундан эмас, балки кейинги кундан бошланади. Агар муддат “календарь кун” деб аниқ кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда иш куллари ҳисобга олинади. Шу жиҳатни кўпчилик адаштириб юборади.

Масалан, жума куни шахсий кабинетингизга 5 кунлик муддат билан хат келса ва сиз уни ўша кунлик кўрган бўлсангиз, санақ шанба ёки яшанба эмас, кейинги иш куни — душанбадан бошланади. Демак, жавоб беришнинг охири куни жумага тўғри келади. Агар хатни фақат душанба куни кўрган бўлсангиз, у ҳолда санақ сешанбадан бошланади, муддат душанба куни яқунлашади.

Яна бир жиҳат: агар хатни умуман кўрмаган бўлсангиз ҳам, қонунга кўра, у жўнатилган санадан 3 кун ичида олинган, деб ҳисобланади. Шунинг учун “мен кўрмадим”, деган ҳолат ҳамма вақт ҳам инобатга олинмайди.


Муҳим тавсия шу: шахсий кабинетингизни тез-тез текшириб туринг, ҳар бир хатни диққат билан ўқинг ва муддатларни аниқ ҳисобланг. Бу орқали сиз ортқча жарима ва тушумовчиликларнинг олдини оласиз ҳамда ўз ҳуқуқингизни ҳимоя қила оласиз.



Экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун МОЛЯВИЙ САНКЦИЯЛАР жорий этилади.



“ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” “Škoda Group” билан 10 та электропоезд етказиб бериш бўйича шартнома имзолади.



БАА ва Грузиядан ФИРИБГАРЛИК ВА ОДАМ САВДОСИДА ГУМОНЛАНГАН 4 нафар Ўзбекистон фуқароси олиб келинди.

8

Mahalla №37

2026 йил 6 МАЙ, ЧОРШАНБА

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА, ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”

ЖИНОЯТНИ ҚАНДАЙ ЖИЛОВЛАДИНГИЗ?

Қилмиши оқибатини англамаслик ҳуқуқбузарлик омилига айланыпти



Жорий йилнинг 24 апрель куни “Долзарб 40 кунлик” тезкор профилактик тадбири доирасида маҳалла ҳудудида хизмат вазирамни бажараётган эдим. Дала майдонида шубҳали ҳаракатлар содир этаётган шахс эътиборини тортиди.

Илс ҲАМРОЛИЕВ, Ўрта Чирчиқ туманидаги “Кучлик” маҳалласи профилактика инспектори.

К утилмаганда мени кўрган фуқаро бирдан қоча бошлади. Жараёнда қўлидаги буюмни қамишзорга улоқтириб, ундан қўтулишга уринди. Тўғри ва ишончли ҳаракат натижасида уни қўлга

олишга эришдим. Маълум бўлишича, бу шахс муқаддам судланган, 1975 йилда туғилган И.Г. экани аниқланди. Суриштирув жараёнида ёнидан 4 та қўтида яширилган 84 грамм оғирликдаги гиёҳвандлик воситаси, яъни, марихуанна топилди.

Бу каби ишлар — профилактика инспекторларининг ҳар кунлик хизмат вазирамни қилсақ, кичик кўринган масала катта муаммага айланиши аниқ. Шу боис туну кун

ҳудуд тинчлиги, осойишталигини сақлашга интиляпмиз. Асосий эътиборни тарғибот тадбирларига қаратаймиз. Чунки жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини таҳлил қилганимизда, аксарияти йигит-қизлар ўз қилмишининг оқибатини яхши англамаслигидан келиб чиқиши аёнлашди. Шунинг учун тарғибот — ярим натижа, деган қайдани хизмат шиоримга айлантириб олганам.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар раҳбарлари иштирокида сайёр қабуллар ўтказиш аёна тусини олган. Бу тадбирларда аҳолини қийнаётган муаммоларни жойига чиққан ҳолда ўрганиш ва ижобий ҳал этишга эришиляпти. Сайёр қабуллар-

дан сўнг, ҳудуд осойишталигини таъминлаш масалаларига бағишланган профилактик муҳома ҳам бўлиб ўтади. Унда “еттилик” иштирокида жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш, ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўйича режалар атрофлича таҳлил қилинади.

Сир эмас, аҳолини тарғибот тадбирига жалб қилишнинг ўзи бир машаққат. Боиси, кўпчилик бундай тадбирларда қатнашишдан кўра, тиркичилик билан шугулланишни афзал билади. Шу боис, аввало, одамларнинг онгу таваққурини ўзгартиришга эришдик. Қолаверса, ижтимоий профилактика билан биргаликда, уларда ҳуқуқий иммунитетни шакллантириб борапмиз.

Масалан, оила-турмуш доирасидаги жиноятларнинг олдини олиш мақсадида “Хавфсиз ҳудуд”, “Хавфсиз маҳалла”, “Хавфсиз тун” каби профилактик тадбирларни юқори савияда ўтказиб келяпмиз.



Соғлом маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, нотинч оилалар билан ишлаш доимий диққат марказимизда. Жумладан, хотин-қизлар учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, жамиятда ҳақ-ҳуқуқларни таъминлаш ҳам алоҳида эътиборда.

Тинчлик-осойишталиқнинг асосида маҳалла аҳли, “еттилик”, корхона-ташкilotлар масъуллари билан бир ёқадан бош чиқариб, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларга қарши курашаётганимиз ётибди. Шунингдек, 600 нафар фуқаро “Менинг инспекторим” иловасига улангани, 20 та кузатув камераси ўрнатилгани вазиятнинг доимий назорат қилиш имконини берапти.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Гулчеҳра СУЛТОНОВА, Чирчиқ шахри:

— **Замон шиддатига мос тарзда кибержиноятлар тури ҳам кўпайиб бормоқда. Айниқса, банк пластик картасидаги маълумотлардан фойдаланиш, уни бегона шахсларга бериш ортидан фуқаролар жабр чекмоқда. Қонунчиликда бу каби жиноятларга жавобгарликни кучайтириш кўзда тутилганми?**

КИБЕРЖИНОЯТГА ҚАНДАЙ ЖАЗО БОР?



Бекмурод БЕКИМБЕТОВ, Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти ахборот хизмати ходими:

— Дарҳақиқат, кейинги пайтда шу каби жиноятлар сони ортди. Шунинг учун кибержиноятларга қарши аниқ жавобгарлик белгиляпти. “Кибер-хавфсизликни таъминлаш ва рақамли муҳитдаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасига қўра, банк картаси, электрон ва криптоҳам маълумотларини бошқаларга ноқонуний бериш учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиляпти.

Бу жараёнда Ички ишлар вазирлиги ваколатли орган ҳисобланади. Банклар, тўлов ташкilotлари ва интернет-провайдерларга ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳамда шубҳали операцияларни мониторинг қилиш мажбурияти юкланди. Шунингдек, кибержиноят қурбонларига ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш механизмлари жорий этиляпти.

Бу орқали бугунги кундаги энг долзарб муаммолардан бири булган интернет-фирибгарлик ва киберҳужумларга қарши курашда муҳим ҳуқуқий асос яратилди.

ИЛЛАТНИНГ ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?

Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади

Бугунги кунда ахборот технологияларининг шитоб билан ривожланиши аҳолига кенг қўлайликлар яратди. Шу билан бирга айрим кимсалар ундан ғарзли мақсадлари йўлида фойдаланаётгани жуда афсусланарли.

Дилноза ХОЛИҚНАЗАРОВА, Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улўғбек тумани суди судьяси.

К арши шахрида яшовчи Хўжамберди Қаҳҳоров (исм-шарифлар ўзгартирилган) бошқача тарзда кибержиноятга қўл урди. У Косон туманининг “Гулбод” маҳалласида жойлашган хўжалик моллари дўконидан ишларди. 2025 йил март ойида у “Telegram” мессенжерда қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйин фойдаланувчиларининг депозит ҳисобларини тўлдириб берувчи “bot”ларни яратди. Сўнг дўконда сақлаб келаётган Озода Дониёрова, Сурайё Аширова, Зилола Ботирова, Саида Ботирова, Маҳфуза Шараповага тегишли паспорт нусхаларини таниши бўл-

ган банк бош мутахассиси Ж.Эгамназаровга беради. У навбатидан, банк ходими ҳаммаси билан бирга юқоридаги шахсларнинг номига янги банк пластик карталарини очиб беради. Аризаларга аёллар номидан ўзи сохта имзо қўяди. Ҳар бири эвазига ойига 2 миллион сўмдан ҳақ олиб туриш шarti билан янги банк пластик карталарни “Telegram” да “DEZOS” номли профилини юритувчи Н.Муталовга сотиб юборади. Чунки Н.Муталов “Uzb_kassa” номли боти орқали қимор ва таваккалчиликка асосланган онлайн ўйинлар иштирокчиларининг ҳисобини тўлдириш ва ютуқларни чиқариб бериш билан шугулланарди.

Орадан 2 ой ўтиб, яна шу жиноятга қўл уради. Бу гал фуқаро Г.Йўлдошевага янги пластик карта очишга эришади. Х.Қаҳҳоров ҳужжатларни қалбакилаштиргани



ва улардан фойдалангани етма-дегек, шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун талабини ҳам бузади.

Албатта, ҳар ойда келиб турадиган мўмай даромад мўйдек ёқиб, “иштаҳа” си янада очилиб кетади. Натижада 2025 йилнинг май, июль ва август ойларида яна 15 нафар фуқаронинг номига банк

пластик картасини расмийлаштириб, Н.Муталовга сотади. Бирок...

Бирок, орадан кўп ўтмай, бу қинғир қилмишнинг қийиғи чиқади. Республикамиз миқёсида ўтказилган “Долзарб 10 кунлик” махсус тадбирлари доирасида унинг кирдикорларини Тошкент шаҳар ИИББ тезкор ходимлари фoш этади.



Махсус топшириқ асосида Қашқадарё вилоятига хизмат сафарига юборилган бошқарма тезкор ходимлари номларига банк пластик картаси расмийлаштирилган 21 нафар фуқаро билан суҳбат ўтказганда, бу сирларнинг ҳаммаси сув юзига қалқиб чиқади. Шундан сўнг Х.Қаҳҳоров Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот технологиялар соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш бошқармасига қақиртирилади.

Лекин айбини бўйнига олиб, қилмишдан пушаймон бўлиш ўрнига бошқарма бошлиғи Б.Тиллаҳужаевга пора таклиф қилади. Б.Тиллаҳужаев Ички ишлар вазирлиги Шахсий хавфсизлик бошқармаси Тошкент шаҳар бўйича бошқармаси бошлиғи номига

билдирги билан мурожаат қилади. Ушбу билдирги асосида тезкор тадбир ўтказилади. Х.Қаҳҳоров Б.Тиллаҳужаевнинг хизмат ҳо-насида 50 минг АҚШ долларини пора тариқасида берган вақтида ушланади. Натижада Х.Қаҳҳоров ва унинг жиноий шериги Ж.Эгамназаровга нисбатан жиноят иши кўзгатилади.

Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улўғбек тумани суди ҳар икки “ишбилармон”ни айбдор, деб топиб, тегишли муддатга озодликдан маҳрум қилиш тўғрисида ҳукм чиқарди. Пора тариқасида берилган 50 минг АҚШ доллари эса, давлат фойдасига ўтказилди.



Ушбу сон саҳифаларидаги барча мақолалар матнни мусахҳиқ Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОВ

Дизайнер: Лазиз Мейликов Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шoҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарк» НМАК босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 8 847 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-520

